

ЯНГИ БИНОДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ



Олтинсой туманида ҳам янгидан-янги бино ва иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ана шундай бинолардан бири тумандаги 45-мактаб ўқувчилари ихтиёрига топширилди. Бугун ўтказилган очилиш маросимида туман ҳоқими А Т Джумаев иштирок этиб, болажонлар қувончига шерик бўлди.

Янги бинога эга бўлган ватанимизнинг келажаги эгаларининг қувончи чексиз. Уларнинг қалбида бугун Ўзбекистонимиз учун ўқиш, меҳнат қилиш ва шижоат ғайрати пайдо бўлди десак адашмаймиз!